

Талоқ масаласи | Сийрат дарслари (332-дарс)



19:00 / 13.06.2025 1736

690. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъбага юзланганларида «Эй Аллоҳнинг Расули! Байтул-Мақдисга қараб намоз ўқиб вафот этиб кетганларнинг ҳоли нима бўлади?» дейишди. Шунда Аллоҳ таоло: «Аллоҳ иймонингизни зое қилмас»(ояти)ни нозил қилди».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

691. Урва ибн Зубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эр аёлини талоқ қилса, иддаси чиқишидан олдин уни қайтариб олиши мумкин эди. Агар уни минг марта талоқ қилса ҳам. Бир киши хотинини талоқ қилди. Аёлнинг иддаси чиқишига яқин қолганда қайтариб олди. Яна талоқ қилди. Сўнгра унга: «Аллоҳга қасамки, сени ўзимга ҳам олмайман,

бошқага ҳам ҳалол бўлмайсан», деди. Шунда Аллоҳ таоло: «Талоқ икки мартадир. Сўнгра яхшиликча ушлаб қолиш ёки яхшиликча қўйиб юбориш»(ояти)ни нозил қилди. Ўша кундан бошлаб одамларнинг талоқ қилгани ҳам, қилмагани ҳам талоқни янгитдан қарши олишди».

Молик ва Термизий ривоят қилишган.

692. Маъқил ибн Ясор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Синглим бор эди. Уни сўраб совчилар менга келишар эди. Амакимнинг ўғли келган эди, унга никоҳлаб бердим. Кейин уни ражъий талоқ қилди. Иддаси чиқиб кетгунча тарк қилди. Бошқа совчилар менга келганда у ҳам келди. Шунда: «Аллоҳга қасамки, уни сира никоҳлаб бермайман», дедим. Шунда мен ҳақимда *«Хотинларни талоқ қилганингизда (идда) муддатлари охирига етгач, яхшилик билан ўзаро рози бўлишиб, эрларига қайта никоҳланишларини ман қилиб, қийинлаштирманг»* ояти нозил қилинди. Мен қасамимнинг каффоротини адо этдим ва синглимни унга никоҳлаб қўйдим».

Бухорий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

693. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Биз Иброҳимдан кўра (шакка) ҳақлироқмиз. Ўшанда у «Роббим, менга ўликларни қандай тирилтиришингни кўрсат», деганида У Зот: «Ишонмадингми?» деди. У: «Йўқ, лекин қалбим хотиржам бўлиши учун», деди. Аллоҳ Лутни раҳматига олсин, ваҳоланки у мустаҳкам жойга жойлашган эди. Агар зиндонда Юсуф турганча турганимда, чақирувчига ижобат қилган бўлар эдим», дедилар».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда бундай келган:«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, Карим ибн Карим ибн Карим ибн Карим Юсуф ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳимдир. Агар зиндонда Юсуф турганча турганимда, кейин менга элчи келса, мен унга албатта ижобат қилган бўлар эдим», дедилар».** Сўнгра «Унга элчи келган пайтда: *«Хўжанг ҳузурига қайтиб бор ва ундан қўлларини кесган хотинларнинг холи нима бўлганини сўра, деди»*(ояти)ни қироат қилдилар. **«Аллоҳ Лутни раҳмат қилсин. Ваҳоланки, у мустаҳкам жойга жойлашган эди. Чунки у: «Қани энди сизларга қувватим етса эди ёки мустаҳкам**

жойга беркинсайдим», деди. Аллоҳ ундан кейин набий юборса, фақат қавмининг ҳимояси билан юборди», дедилар».

Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.